



Утмишда ичкари ва ташкари ҳовлининг ўз юмушлари бўлган. Ташкари ҳовлида ҳатто югурдан ёки уйда эркак киши бўлмаса-да, аёл ўша юмушларни чиқиб уйдаламаган. Тарихнинг сунги 70 йили бу одатларимизни тўзатиб ташлади. Биз, аёллар ўша ташкари ҳовлини-да ҳаётлаб ўтиб, кунга чиқдик. Кучанинг юмушларини эркак билан баб-баравар тартиб кетдик. Ҳатто, бу «юкни эрдан кура дадилроқ одимлатдик. «Зангори кема»ларни тонг отар гуриллатиб миндик.

Тунги отқор бозори. Ҳеч йўлингиз тушганми? Ярим тунми, тонг қоронғусими, барибир, чор-қоронғу эркаклар билан қасдлашгандек, хотинлар кўтарга савдо билан машғуллар. Узоқ шаҳарлардан келган «бюортма» автобуслар келиб тўхтади. Гурр этиб хотин-халаж тушади. Қўлларидан қоп-қанор. Ҳозирча буш. Сал ўтмай сочига қиров кўнган онахон, навжувон, дилбар аёл ҳам, ҳали баалоғат оstonасига етиб-етмаган қизлар буйи

— Эй, ҳужжатни нима қиламан, — баттар иккиланарди у. — Хай, майли, буларни қола турсин, сабил қолгур бугун ҳеч иш «ёпишмайпти»-да... — аёл қўлидаги зил-замбил сумкасини ташлаб газмолларини орқалаб кетди. 15-20 дақиқалардан сунг терлаб-пишиб қайтиб келди.

— Хайрият, худо деган эканман, — дейди у. Саволга тутдим. — Эримми? Бор. Уйда бо-рок хотин. Танибми ёки шовибми, ёшгина йигитчанинг ёқасидан олади. — Менга қара, бала, ҳозирроқ ҳалиги шерингини курсат, кам-қу? То-вар 100 тага кам! — Сал нарида худди Отқордагидек бюортма автобус турарди. Уша ёққа қараб бақиради.

— Ҳов, Маликаҳон, нимага имиллайсиз, қани буларни ку-таринг, — келини чоғи, ёш жувон югургилаб тушди авто-бусдан.

да кўп фарқ йўқдек. Кучанинг юмушини бажариб нима-дир орттирасан. Унинг юму-шига ўша орттирганнинг хари-жлаб сарфлайсан. Аслида бу юмушларни уйдаловчилар азалдан аниқ. Эр — куча учун, аёл — уй учун жавобгардек. Уйланиб қолсан киши. Бу аёлларнинг эри, бу оиланинг эркаги йўқмикин?

ҚАЛАМ МЕҲНАТИНИНГ ҒУЛОМИ ЭДИ...



Ғулмухон Ғафуров ижодий фаолиятини илмий тадқиқотчилик ва мураббийлик билан узвий қўшиб олиб борди. 1975 йилда «Ғафур Ғулмухоннинг публицистик маҳорати» мавзусида илмий ишнини ёқлаб, филология фанлари номзоиди илмий даражасига эришди. Унинг илмий фаолияти давомида узбек адабиёти, публицистикаси, маданиятшунослик тарихи ва назарияси, ислом одоб-ахлоқи, халқимизнинг миллий тарихига доир кўпгина илмий-оммабоп асарлар нашр этилди. Чорак аср мобайнида Тошкент Давлат дорилфунуни, Тошкент Давлат Маданият Институтини, Тошкент Давлат Иқтисодий дорилфунунида маданиятшунослик, матбуот назарияси ва амалиёти, одоб-ахлоқ мавзуларида сабоқ берди.

Минг афсуслар бўлсинки, шу йилнинг 24 ноябр тоғида таниқли журналист, ёзувчи ва олим Ғулмухон Ғафуров бевақт вафот этди. Сунги йилларда унинг ҳар бир қадамига соядай эргашиб юрган ботоб-лик ўз ишнини қилди: теран фазилятларга бой бир инсоннинг, самимий дустининг, ҳикмат ва ҳақиқатга сўянган қалам соҳибининг ҳаёт шайини сундириди.

Ғулмухон Ғафуров чинакам маънаво қалам меҳнатининг ғуломи, беминнат заҳматқоши эди. Тақдирини қўл билан яратур одам», «Кунгелта ортидаги гуллар», «Кунгил мулки», «Мовароуннахр жавоҳири» сингари унлаб очерк ва бадиалар туп-лавлари нашр этилди. Унинг асарлари республикамизда миқёсидидаги бир неча йил ижодий ташовлар совринларига сазовор бўлди.

БИР ГУРУХ БИРОДАРЛАРИ

КЎЧАНИНГ «ЮКИ»НИ СУДРАР АЁЛЛАР

баравар қоп, той-той газмол юмушларини ортиб, ортмоқлаб чиқди. Қўзлари уйқусизликдан қизарган, қадлари узоқ йўл азобидан букилган аёллар...

ШАКСИЙ МУЛОҲАЗАЛАР

— Кўзингиз қаерда эди? — зугум қилади қайнона. — Камомадни ўзингиз «тўлдирасиз». — Келин қандай қилиб тўлдирдиш мўминлигининг ҳадисини олган чоғи, шоша-пиша спиритли ичимликлар рас-таси томонга югургилаб кетади.

Уларнинг машмашаси бозордаги оддий ҳол. Ҳеч ажабланарий ериям йўқ. Бозорда кимдир ютади, кимдир ўтқа-зади, биров фойда, биров зарар деганидек... Фақат кишини уйлантирадиган томони бор. Невараси тенги бола бў-висининг ҳақиқа хиянат қил-са? Ёки ҳали баалоғатга етма-ган қизини бодиринг ёки пивз қоп орқалатиб бозорда олиб юрса? Оиланинг боши — қайнона келинини олдиб со-либ узоқ юртдан, доvon оша ёхна ичимлик харид қидирти-риб юрса...

— Опа, майли, бориб таш-лаб келинг кўлингиздагиларни. — дедим юрагим ачишиб аёлга. — Барибир тураман, кутиб... Ҳали қишмайди чо-ғи бозордан.

— Яна «умариб» кетишини уйламанг?! — негадир афтим-га тикилиб суради. — Шерик-ларимни адаштирдим-да.

— Очиги, хайратданми, ҳижо-латданми юз-қўзларим олов-дек ёниб кетди. Енимдаги ҳужжатимни қўлга тутазмоқ-чи бўлдим. Нега шундай қил-моқчи бўлдим, ҳалигача ту-шунмайман.

кўтарган, партиянинг фаол аёлларидан базилларини қари-ларинг уйда уратдим.

— Фарзандларисиз бори-ми? — қурқа-писа суровдм бирадим.

— Бор. 2 нафар углим, битта қизим бор, — деди ўша «меҳнат қахрамони».

Тақдирнинг палаҳмон тоши уни нега бу ерга отганини не-гадир ушунда англашим қийин бўлувди. Энди ўша ач-чиқ ҳақиқатни англаб туриб-ман. Боласини айни бағрида севиб-эрқалайдиган пайтида «партия» учун жон фидо эт-гани-да. Оқибатда бола она меҳрига зор устан.

Узи бермаган меҳри она энди боласидан қандай талаб қилсин? Меҳр уруги йўқ-ку, ўша болалар қалбида.

Булар ўтмиш. Эслашга на ҳожа? Бугунчи? Бозорларда оғир сумкасини судраб бо-раётган аёл-чи? Довон оша келган қайнона-келиндар-чи? Улар ҳам фарзандларини би-ровдан кам суймайди. Улар-нинг юрагида меҳр йўқми? Лиммо-лимдир балки. Фақат «куча» уларни шу қуйга сол-маётганими?

Қадимдан ташқари, ичкари

Саида БОНУ

Боши биринчи бетда

Ношир ўз ишида Туркиянинг машҳур Тупқапу Ревон китоб-лигида 808-рақам билан сақланган ва Дарвеш Мухаммад томонидан Ҳиротда ҳижрий 901 йили кучирилган «Фавойид ул-кибар»нинг нусхасига асосланган. Ҳар бир газал бошқа ул-кибар билан қиёсланган. Бошқа нусхаларда мавжуд бўл-ган, бироқ таянч нусха ҳисобланган Ревон китоблигидаги нус-хада йўқ газаллар Унал Қойа нашрига киритилган. Ҳар бир газалга ношир изоҳ берган. Бу изоҳлардан қайси газал нус-хада бор-йўқлигини осонгина билиб ола бўлади.

«Фавойид ул-кибар»нинг ношир Унал Қойа фойдаланган ик-кинчи нусхаси, бу — Сулаймония Фотиҳ китоблигида 4056-рақам билан сақланган нусха бўлиб, бунда 657 газал бор. Париждаги Миллий кутубхонада 316-317-рақамлари билан, сақланган, ҳижрий 933 (мелодий 1526-27) йили Али Ҳиж-роний томонидан насталиқ хатида кучирилган девоннинг нус-хаси ҳам қиёслаш учун бу ишда фойдаланилган.

Мазкур девоннинг энг қадимги нусхалари булганлиги учун ношир «Фавойид ул-кибар»нинг Тупқапу Ревон, Сулаймония Фотиҳ китобликларидаги ҳамда Париж Миллий кутубхонаси-даги нусхаларига асосий эътиборини қаратади.

Истанбул университети кутубхонасида 1565-рақами билан сақланган, ҳатто Жамшид томонидан ҳижрий 947 йили кучирилган девон нусхаси ҳам тадқиқот объекти бўлган.

Истанбул университети кутубхонасида 2794-рақами билан «Фавойид ул-кибар»нинг алоҳида бир нусхаси сақланади. Де-воннинг бу нусхаси ҳатто Хусайн бин Ҳайдар Ҳусайний Жур-жоний томонидан ҳижрий 1043 йили кучирилган. Ношир ма-зкур нусхадан ҳам фойдаланган.

Истанбул университетинида сақланган девоннинг бу ик-ки қўлзмасига ношир алоҳида эътибор билан қараганлиги-нинг сабаби бор, албатта. «Фавойид ул-кибар»нинг бу икки қўлзмаси алоҳида тузилган, алоҳида тартиб берилган му-стақил қўлзмалар саналади.

Алишер Навоийнинг Ўзбекистон Фанлар академияси то-монидан 1963-65 йиллари чоп этилган 15 томлик асарлари-га киритилган «Фавойид ул-кибар»нинг нусхасини ҳам ношир ўз эътиборидан четда қолдирмаган.

Алишер Навоийнинг тула асарлар тўплами олтинчи томи-га киритилган «Фавойид ул-кибар» Тошкентда 1990 йили бо-силиб чиққан бўлса ҳам, ношир Унал Қойа бу ишдан, нима учундир, фойдаланмаган.

Булардан ташқари, ношир Унал Қойа «Фавойид ул-ки-бар»нинг ўзи ташлаб олган Ревон китоблигидаги таянч нус-хасини яна ушбу саккиз нусха билан қиёслаб чиқди:

1. Турк тили жамяти кутубхонасида 55-рақами билан сақланган нусха. Бу нусха тула эмас. Унинг фақат Р ҳар-фидан бошланган қисми сақланиб қолган.

2. Истанбул университети кутубхонасида 5669-рақами бил-лан сақланган нусха. Девоннинг бу нусхасини ҳижрий 930 йили Ҳиротда Алоуддин Мухаммад (Махмат) кучирган.

3. Куньяда Халқ кутубхонасида 6623-рақами билан сақла-наётган Алишер Навоий асарлари Куллиётининг 344-509 са-ҳифаларидан урин олган «Фавойид ул-кибар» нусхаси.

4. Хаников Коллекциясида 55-рақами билан сақланган нус-ха. Бу нусха ҳижрий 904 (мелодий 1498 — 99) йили ку-чирилган. Мазкур нусха тулик эмас.

5. Лондондаги Осив Кириллик жамяти кутубхонасида сақ-ланаётган Алишер Навоий Куллиётининг қўлзма нусхаси. Куллиётнинг 4836 — 5376 саҳифаларидан урин олган бу де-вон қўлзма нусхаси ҳам тулик эмас.

6. Истанбул университети кутубхонасида 5452-рақами бил-лан сақланаётган Навоий Куллиётининг қўлзма нусхаси. Бу Куллиётнинг 2696 — 3566 саҳифаларидан жой олган девон нусхаси ҳижрий 1232 йили кучирилган.

7. Давлат кутубхоналарида сақланаётган қўлзмалар «Фавойид ул-кибар»нинг Унал Қойа нашрини Тошкентда «Фан» нашриёти томонидан чоп этилган шоирнинг Тула асар-лар тўпламига кирган девон нусхаси (Тошкент, 1990, 6-том) билан солиштириб чиқдик. Ҳар икки ноширнинг қиёсидан аниқ бўлдики, Унал Қойа нашрида Алишер Навоийнинг бу дево-

«ФАВОЙИД УЛ-КИБАР»НИНГ АНҚАРА НАШРИ

нига киритилган газаллар сони 30 та кўп; ҳар икки нашрга бир-бирига ўхшамайдиган иккита таржибанд ҳам киритил-ган.

Булардан ташқари, газалларнинг тақдим этилиши, ўқили-ши, изоҳлашида ҳам талайгина тафовути бор. Масалан, «Фан» нашридаги 46-газал (Тула асарлар тўлами, Тошкент, 1990, 6-том, 38-бет) 8 байтдан ташкил топган бўлиши керак эди. Бу нашрда еттинчи байт:

Қачон бехуш ўлурман ўзлигимдин, Агар тўлурмасан жомим лабалаб, — «тушиб» қолган. Мана шу байтдан сўнг газалнинг охири байти келади:

Навоий ашқдин то шом анжум Тўқар, чиқайму деб ул саяд қавкаб. Газалнинг ўзбек нашрида йўқ бу байт девоннинг фақат Па-риж Миллий кутубхонасидаги қўлзма нусхасида сақланиб қолган.

Кейинчалик Унал Қойа нашрида ортиқча берилган 30 га-зални биз «Бадойиъ ул-бидоя» ва «Наводир ун-нихоя»нинг энг сунги («ФАН») нашри билан қиёслаб чиққанамизда аниқлан-дики, Унал Қойа нашридаги ортиқча 30 газалнинг айримла-ри ўзбек нашрларида шоирнинг мана шу илк девонлирга ки-ритилган экан.

Унал Қойа нашрида ҳам хатолар, камчиликлар бўлиши му-мкин. Эеро, беайб Парвардигор. Бироқ бир нарсани дадил айтиш мумкинки, туркиялик навоийшунос олимнинг бу иши қўпчилигига намуну бўла олади. Бу жуда кўп заҳмат чекиш эва-зига майдонга келган асардир. Чунки Унал Қойа Алишер На-воий «Фавойид ул-кибар» девонининг тақиқий матнини де-воннинг 14 қўлзмасини чоғиштириш, қиёсий тадқиқот ўтқа-зти натижасида тузишга муваффақ бўлган.

Қуйида келтирилаётган газаллар «Фавойид ул-кибар»нинг Истанбул университетидеги Тў 2794-рақами билан сақланаёт-ган қўлзма нусхасидан олинми, биринчи марта 1996 йилги Унал Қойа нашрида берилган.

Алишер НАВОЙИ ҒАЗАЛЛАР

Ончакми Ширину Лайли-дин сенинг ҳуснинг фузун, Менда ҳам Фарҳоду Маж-нундин фузун ишқу жунун.

Ғам эмас, чун хоки роҳи-ндин топармен жон элин, Гарчи муҳлик ғам юки қаддимни айлаптур нигун.

Зулфунг оллинда фусунгар кўзларинг ҳар гўшадин, Гўйи ул мушкин билан қайдини айларлар фусун.

Ёғдуруб новак, бузғ кўнглим иморат айлаг, Гўйиё сарпўш этиб қўйдинг анга ҳар ён сугун.

Лабларинг ҳажринда гирён кўзларининг қонлари Катраи гар томса, юз дарёни айлар лалғун.

Васл айёмидеа хуш тут зарраларин, эй қуёш, Ким бу кунларни бағоят қисқа айлар чархи дун.

Бошим узра фурқатинг тошини кўрсанг, дегайсен: «Нукта зоҳир айламыш гўйиё Навоий узра нун».

(Унал Қойа нашрида 461-рақами билан берилган.)

Фузун — ошиқ, ортиқ, кўп; муҳлик — ҳалокатли; нигун — буюқ, эгик; новак — киприк, ёй ўқи; сарпўш — қопқок.

Сужуд этар қуёш олдинда айлақим ҳинду Юзунг қошида қуёш ло илоҳа иллоҳу.

Кўёш юзига боқардин назар эрур ожиз Юзунгдин этти магар акс зоҳир ул кўзгу.

Юзунг нишонига ҳар зарра гар эмас толиб, Кўёш жамолига заррот нечун этти гулу?!

Магар тажаллийи ҳуснингда мазҳар ўлди қуёш, Ки зоҳир айлади анча жило била ёғду.

Юзунг ҳижолатидин меҳр айла, саргармши, Ки сўбх айлар анинг заъфаронидин қулғу.

Юзунгни тушда кўрар мумкин ўлса, истармен Анингдек уйку, ки андин сўнг (б) ўлмағай уйку.

Навоий, иста висолдин, беҳишт истамағил, Киши беҳишт биринда таумени истарму?!

(Унал Қойа нашрида 547-рақам билан берилган.)

Туркиянинг Сулаймония Фотиҳ китоблигида 4056-рақами билан сақланаётган Алишер Навоийнинг Куллиёти катта ҳа-жмада. Бу Куллиёт ўз ичига шоирнинг 26 асарини қамраб ол-ган. Бизни қизиқтирган девон — «Фавойид ул-кибар» Куллиёт-нинг 5846 — 646 а вақаларидан урин олган.

Мазкур Куллиётга кирган «Фавойид ул-кибар» қўлзмаси-дан топилган газаллардан намуналар келтирамиз. Бу газал-лар биринчи марта 1996 йили Унал Қойа нашрида берил-ган.

ҒАЗАЛЛАР

Чу элга ишва айлар лаълин ул оромни жон тишлаб, Келурмен бағрима тиш беркитиб, яъники қон тишлаб.

Тўқинса заъфлиғ жисмим таажжуб қилма, эй ҳамдам. Чу ҳажр андуҳида ўзармен ҳар замон тишлаб.



Тўрақўрғондаги «Оҳангор» ҳиссадорлик жамяти булочка цехи пазандаларининг хизматидан корхона ишчилари мамнун.

Т. МАҲҚАМОВ сурати.

Абонемента касса машинасининг муҳри босилган бўлиши шарт. Обуна ёки манзилгоҳни ўзгартиришни расмийлаштириг-ниниғизда касса машинаси бўлмаса, ушбу алоқа бўлимининг календарли штемпели босилиши керак.

Бу ҳолда обуначига обунага ёки янги манзилгоҳга ўтказилганига пул тўланганлиги тўғрисида квитанция берилади.

Газета ва журналга обуна бўлганиғизда ёки ман-зилгоҳ ўзгаришини расмийлаштириганиғизда обуна қоғозини сиёҳ билан аниқ ва сўзларни қисқартирмасдан жадвалдаги қоңдаларга риоя қилиб тўлдириг.

ТАЛАБАЛАР УЧРАШУВГА ЧОРЛАШДИ...

Тошкент Давлат Университетининг журналистика фа-култетидеги Ўзбекистон телевидениесининг бир гуруҳ ижо-дий ходимлари билан учрашув бўлиб ўтди.

Маълумки, бугунги кунда мамлакатимизда демократия, адолатли жаҳит сари дадил қадам қўйилмоқда, бу бо-рада муайян ишлар амалга оширилмоқда, матбуот воси-талари ва меҳнатқашлар оммаси уртасида узаро алоқа-лар мустаҳкамланмоқда. Хуш, мана шундай даврда теле-видениенинг омма уртасидаги урни қандай бўлмоғи ло-зим? Тележурналистика нима? Умуман, ҳозирги замон те-левидениеси олдинда қандай вазифалар турибди. Учра-шувда шу каби саволларга бўлажқ журналистар теле-видение ходимлари билан биргаликда жавоб изладилар, қизгин баҳслар бўлди.

Учрашувда телевидение ходимлари Минҳожиддин Мир-заев, Жаҳонгир Болтаев, Нуриддин Амминов, Бахтиёр Едгоруҳжаев, Мавлуда Азимова, Ойдин Назирова, Марат Муслимов талабаларни қизиқтирган саволларга жавоб бердилар. Факултет ўқитучилари Анвар Каримов, Ҳами-дулла Акбаров, Мухтор Худойкулов ва бошқалар бўлажқ журналистарни таъйирлашда бундай учрашувлар муҳим урин тутажанини, иждоий мулоқотларни тез-тез ўтказиб туриш мақсадга мувофиқ эканини таъкидладилар.

Жавоҳир САНҲАТ







